Сохибкирон Амир Темур томонидан Самарканднинг шон-шухратини ошириш ва уни жахон илмий марказларидан бирига айлантириш миятида ўз пойтахтига тўплаган олимларидан бири Мир Саййид Шариф Журжонийдир. 1387 йили Шероз фатх этилгандан кейин машхур кишилар каторида Журжоний хам Самаркандга жўнатилган. Темур вафот этгандан кейингина Шерозга кайтиб, 1413 йидда оламдан кўз юмди. Али ибн Мухаммад ибн Али Хусайн Журжоний Астробод якинидаги Тогу кишлогида 740 хижрий (1339) йилда тугилган. Ёшлик давридан бошлаб барча фанлар катори фалсафа, мантик ва тилга жуда гам кизиккан. 1365 йили Журжоний Хиротга машхур файласуф Кутбиддин Мухаммад ар-Розий ат-Тахтонийдан таълим олиш учун боради. Тахтоний ўзининг кариб колганлигини айтиб, Мисрдаги шогирди Муборакшох олдига боришни маслахат берган. Лекин Журжоний 1368 йилгача Хиротда бўлган. Сўнгра турк файласуфи Мухаммад Оксароийдан таълим олиш учун Корамон шахрига жўнаган. Мухаммад Оксароий шухрати ва унинг асарлари Журжонийнинг эътиборини жалб этган бўлиб, у машхур файласуф ва мантикшунос бўлиб етишган Оксароийнинг шогирди Мухаммад Мулло Фанорий билан учрашиб, дуст тутинди ва биргаликда 1370 йилда Мисрга жўнашади. Журжоний кохиради 4 йил давомида машхур мантикшунос Муборикшох ва Акмалиддин ал-Бобартийлар маърузаларини тинглаб, ўз савиясини оширгач, 1374 йилда Истамбулда илмий изланишларини даном эттирди. У ердан Ватанига кайтиб, 1387 йилгача Шероз мадрасаларида дарс берди. Сўнг Самаркандда 20 йилдан ортик вакт яшади. Самаркандда яшаган даври Журжоний ижодида жуда баракали бўлди. Илму фаннинг барча сохаларига багишланган бир катор рисолалар, ўтмиш мутафаккирларининг асарларига шархлар ези.

Журжоний умри давомида 50 дан ортик асар ёзиб, бу асарлар фаннинг деярли барча сохаларини камраб олган. Аммо Улугбекка бевосита таъсир этгани, шубхасиз унинг XII—XIII асрларда Хоразмда яшаб ўтган Махмуд ал-Чагминийнинг астрономияга оид асарига ёзган «Шарх мулаххас ал-хайа» («Астрономияга оид сайланмага шарх») ва Насириддин Тусий асарига багишланган «Шархе тазкиратул Насирийат» («Астрономия хакида эслатмага шарх») асарларидир.

Журжоний билиш назарияси ва мантикка дойр «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Усули мантикийа» («Мантик усули») ва илмий бахс фанига багишланган «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришнинг коидалари хакида рисола») каби араб тилида ёзилган асарларнинг муаллифи хамдир. Бундан ташкари Журжонийнинг форс тилида ёзилган мантикка оид бир неча асарлари хам бизгача етиб келган. Булардан «Сугро» («Кичик далил бўла оладиган хукм»), «Кубро» («Катта далил бўла оладиган хукм»), «Авсат дар мантик» («Мантикца ўрта хулоса») ва бошкаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг «Шархе фароизе Сарожийа» («Мерос бўлиш мажбуриятларининг Сарожий таърифига шарх») асари хукукшунослик масалаларига багишланган бўлиб, факих Сажовандий асарларига жавоб тарикасида ёзилган.

Журжоний XIV аср файласуфи Эзиддин Абдурахмон ал-Ижий (1300—1356)нинг «Мувокиф фи илм ал-калом» («Калом илмидаги манзиллар») асарига ёзган «Шархе мавокиф фи илм ал-калом» шархи унинг замондошлари ва ундан кейинги авлод олимлари учун фалсафа ва мантик бўйича ўзига хос комус макомига эга бўлди. Шархлардан ташкари Журжоний жуда кўп фалсафий асарларга хошиялар ези. Унинг Абу Али ибн Синонинг «Ишорат» («Кўрсатмалар») асарига ёзган шархи, Насириддин

Тусийнинг «Тажвид» («Абстракция») асарига шарх ёзган шайх Шамсуддин Махмуд Исфахоний (1294—1349)га жавоб тарикасида ёзилган хошияси диккатга сазовордир. Журжоний дунёкараши, ундан олдин ўтган салафлариникидек, ўрта асрлардаги бутун фалсафий масалаларни, чунончи, борлик хакидаги таълимот, коинот жумбоклари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва рухий муносабатлар, билиш муаммолари, мантикий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алокалари ва бошкаларни ўз ичига олади. У коинот, инсон ва аклни камраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини яратишга харакат килди. Журжоний акидасига хос бўлган нарса борлик манзарасини боскичма-боскич тартибда тушунтиришдан иборат эди. Беш бобдан иборат бўлган «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» рисоласининг биринчи бобини вожиб ул-вужуд ва мумкин ул-вужуд мавжуд эканлигини асослашга багишлайди. Журжоний шундай таъриф беради: «Йўк бўлиши мумкин бўлмаган, бор бўлиши эса зарур бўлган нарса вожиб ул-вужуд деб аталади. Масалан, холикнинг ўзлиги каби тушунча. Борлиги хам, йўклиги хам зарур бўлмаган нарса эса мумкин ул-вужуд деб аталади».
Журжоний фикрича, вожиб ул-вужуд худо бўлиб, мумкин ул-вужуд модций оламдир. У борликнинг биринчи сабаби сифатида вожиб ул-вужудни, яъни худонинг борлигини тан олади. Унингча, мумкин ул-вужуд ўзининг бор бўлиши учун кандайдир тарзда бўлса хам, бирор-бир сабабга эхтиёж сезади. У бирор-бир нарса туфайли, яъни биринчи сабаб кимматига кўра вожиб ул-вужуд даражасига кўтарилади.
Журжоний табиатдаги хеч бир ходиса сабабсиз келиб чикмайди, деб таъкидлайди. Хамма мавжуд ашёлардаги бутун харакат ва ўзгаришлар факат макон ва замондагина рўй беради. Журжоний дунёкарашига хос хусусият, унинг бутун борликни бир-бирига конуний равишда богланган бўлакчалардан иборат ягона тана сифатида таърифлашдир. Унинг фикрича, моддий дунёни ташкил этган нарсалар асосида тўрт унсур, яъни олов, хаво, сув ва тупрок ётади. Уч унсурдан иборат бошка жисмлар, яъни металлар, ўсимликлар ва хайвонлар эса, юкорида айтилган тўрт унсурнинг бир-бирлари билан коришишининг хосиласи сифатида келиб чиккандир. Тўрт унсур доимо харакатда эканлигидан ўзгарувчан бўлиб, бири иккинчисига айланиб колиши мумкин. Щаво сувга, сув тупрокка ва хоказо.
Журжоний фалсафасида моддийлик юяларигина эмас, балки диалектик дунёкараш мавжуд. Унинг фикрича, моддийликдан холи бўлган бўш жой йўк. Бу хакда у шундай ёзади: «Самовий гумбаз буюк доирадир. У барча жисмларни камраб олган бўлиб, моддий дунёни чегаралаб гуради. Аммо у бўшлик эмас, чунки уни моддадан ташкарида бўлган тушунча ёки бирор ўлчов билан тушунтириб бўлмайди. Бундан ташкари бир-бири билан ўзаро ёпишиб, айни вакгда бошка жисм билан хам богланиб турган нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Щар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирининг кетидан юкоридагидек тартибда жойлашиши лозим, чунки бўшликнинг бўлиши мумкин эмас. Мана шундай жисмлар, унсурлар, самоавий доиралар, бутун сайёралар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмуаси олам деб эталади».
Журжоний Марказий Осиё, Якин ва Ўрта Шарк мамлакатлари мантикий меросининг барча окимларини тахлил этиб, уларни янада ривожлантирди.
XV—XVI асрлар давомида мантик илмини ўрганиш ва ўкитиш ишлари ХШ асрда ёзилган дарсликларга XIV асрда ёзилган шарх-лар, айникса, машхур мантикшунос ат-Тахтоний, унинг шогирди ибн Муборакшох, Тафтазоний, Журжоний томонидан ёзилган шарх ва хошиялар асосида олиб борилди. Бу даврда араб тилига нисбатан форс тилида кўпрок асарлар ёзидци. Мантик илмининг хукук, тил ва илохиёт сохасидаги тадкикотларда

ишлатилиш жараёни кўпайди.

Журжоний ўз ижодида мантикни фалсафадан ажратмаган холда, унинг кўпрок хукук ва тил сохаларида кўлланилишини таъминлади.
Журжонийнинг таъкидлашича, назарий билимлар хаётий тажри-бада хосил килинган бошлангич билимлар ва улар тўгрисида фикрлаш йўли билан киритилади. Бундай фикрлаш жараёнини у хулоса деб атайди ва унинг уч турини кўрсатиб ўтади. Булар: киёс (силлогизм), эстекро (индукция — бўлакдан бутунга томон хукм юритиш) ва хадс (аналогия — ўхшатиш). Булардан киёс хулосанинг бош тури хисобланиб, назарий билимлар хосил килишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чикади.
Журжоний тўла бўлмаган индукция факат тахминий мулохазагагина олиб келади, деб ўйлайди ва унинг кўрсатишича, биз оловнинг айрим хусусий холатларини кузатсак, хар кандай олов иссиклик чикаради, деган айрим хусусиятга эга бўлган билимдан, яъни дедуктив (бутундан бўлакка ўтадиган) холатга ўтадиган хулоса келиб чикиши мумкин. Шу билан бирга унинг таъкидлашича, индуктив йўл билан хосил килинган билимлар хамма вакт хам хакикатга тўгри келавермайди. Чунки инсон тажрибаси хеч вакт тўла мукаммалликни бермайди.
Журжонийнинг индуктив ва дедуктив хулосалар хакидаги фикри Арасту ва унинг Шаркдаги издошлари фикрини эслатади. Аммо бу фикрга ноёб хулосалар кўшилиб, такомиллаштирилган.
Журжонийнинг илмий фаолияти туфайли мантик Темурийлар даврида инсон билимларининг барчасига кўлланиладиган коида ва мезон конунига айланди. У хар бир юритилаётган хукмнинг тўгрилигини тортувчи фанларнинг тошу тарозиси сифатида намоён бўлди. Натижада тез орада вужудга келган Улугбек расадхонасининг илмий тадкикотларида кенг кўлланилди.
Журжоний Улугбекни мадрасада бевосита ўкитибгина колмай, унинг Академиясининг вужудга келишига хам катта хисса кўшди. Чунки унинг шогирдлари бу илмий марказнинг негизини ташкил этар эди. Шунинг учун хам унинг илмий меросини тўлалигича ўрганиш мустакил Республикамиз маънавиятига салмокли хисса бўлиб кўшилиши шубхасиздир.

М. Кодиров